

БАНКЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲОЛАТИ

(2023 йил I ярим йиллик якуни
бўйича)

КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ПРУДЕНЦИАЛ НАЗОРАТИ ДЕПАРТАМЕНТИ

Кредитлаш ва кредит портфели сифати


Банклар томонидан 2023 йил I ярим йиллигида **116 трлн** сўм миқдорда ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 32 фоиз ортиқ **кредитлар ажратилган**.

Мазкур кредитларнинг **60 фоизи** (70 трлн сўм) корпоратив ва **40 фоизи** (46 трлн сўм) аҳолига ажратилган кредитлар ҳиссасига тўғри келади (1-диаграмма).

Шунингдек, ажратилган кредитларнинг 24 фоизи **қисқа муддатли** ва 76 фоизи **узоқ муддатли**, валюталар қирқимида эса 68 фоиз кредитлар **миллий валютада** ва 32 фоиз **хорижий валютадаги** кредитлар ҳиссасига тўғри келади.

Мазкур даврда тижорат банклари томонидан **85 трлн** сўмлик кредитлар сўндирилган бўлиб, **қайтувчанлик даражаси 73 фоизни** ташкил этган.

1-диаграмма




Банкларнинг **жами кредит қўйилмалари қолдиғи** 2023 йил 1 июль ҳолатига **424 трлн** сўмни ташкил этиб, уларнинг **71 фоизи** корпоратив кредитлар, **29 фоизи** чакана кредитлар ҳиссасига тўғри келади (2-диаграмма).

Жами кредит портфели қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **23,3 фоизга** ёки 80,2 трлн сўмга, хусусан, корпоратив кредитлар **14 фоизга** (36,7 трлн сўм) ва аҳоли кредитлари **54 фоизга** (43,5 трлн сўм) ўсган.

Аҳолига ажратилган кредитлар таркибида автокредитлар **33,5 трлн** сўм (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 212 фоизга ўсган), ипотека кредитлари **51 трлн** сўм (26 фоизга ўсган) ва микроқарзлар **18,9 трлн**

сўмга (25 фоизга ўсган) етган.

2-диаграмма



Маълумот учун: Кредит портфелининг сўнги 12 ой давомида энг юқори ўсиши ҳисобот санасида (23,3 фоиз) кузатилган.

Валюталар қирқимида кредит портфелининг 2022 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиши миллий валютада **29 фоизни** ташкил этган бўлса, хорижий валютадаги кредит портфели **17 фоизга** ўсган.

Бугунги кунда, банкларнинг жами кредит портфелининг **долларлашув даражаси 45,7 фоизни** ташкил этиб, 2022 йил мос даврига нисбатан **2,6 фоиз бандга** пасайган (3-диаграмма).

Мазкур ҳолат, хорижий валютадаги кредитларнинг қайтувчанлик даражасининг 2022 йилнинг мос даврига нисбатан 10 фоиз бандга ошиб, **87 фоизни** ташкил этганлиги ҳамда

ўтган йил мос даврига нисбатан банклар томонидан ажратилган кредитлар таркибида хорижий валютадаги кредитлар улуши 34 фоиздан 32 фоизгача пасайганлиги билан изоҳланади.

3-диаграмма




Кредит портфели сифати


Банк тизимида муаммоли кредитлар (NPL) улуши 2023 йил 1 июль ҳолатига **3,4 фоизни** (14,3 трлн сўм) ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **1,5 фоиз бандга** пасайган.

Бунда, корпоратив кредитларнинг NPL қисми мос равишда **1,3 фоиз бандга** пасайиб, **3,5 фоизни**, чакана кредитларда эса **2,1 фоиз бандга** пасайиб, **3,1 фоизни** ташкил этган (4-диаграмма).

4-диаграмма



5-диаграмма




Валюталар қирқимида NPLнинг 67 фоизини **миллий валютадаги** ва 33 фоизини **хорижий валютадаги** кредитлар ташкил этса, мижозлар қирқимида 27 фоизи **жисмоний шахслар** ва 73 фоизи **корпоратив мижозлар** ҳиссасига тўғри келади (5-диаграмма).

Жисмоний шахсларга ажратилган кредитларда NPL улуши 3,1 фоизни ташкил этиб, бунда ипотека кредитларида 1,6 фоизни (815 млрд сўм), микроқарзларда 1,6 фоизни (310 млрд сўм) ва автокредитларда 0,5 фоизни (176 млрд сўм) ташкил этган.

Кредит қўйилмаларида NPL улуши **тармоқлар қирқимида** уй-жой коммунал хизмат кўрсатишда 10,5 фоиз, қурилиш соҳасида 7,7 фоиз, савдо ва умумий хизмат соҳасида 6,5 фоиз, қишлоқ хўжалигида 4,3 фоиз, саноат соҳасида 2,8 фоиз даражасида шаклланган (6-диаграмма).


Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тармоқлар кесимида NPL улуши уй-жой коммунал хизматлар соҳасида 3,7 фоиз, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 2,6 фоиз, қишлоқ хўжалигида 2,3 фоиз ҳамда қурилиш соҳасида 1,6 фоиз бандга пасайган.

6-диаграмма



Тижорат банклари кредит портфелидаги NPLнинг улуши бўйича гуруҳланганда **19 та банкда** 3 фоизгача (банк тизими жами активларида улуши 57 фоиз), **6 та банкда** 5,1 фоиздан юқори бўлиб, уларнинг жами активлардаги улуши 10 фоизни ташкил этган (7-диаграмма).

7-диаграмма



Шунингдек, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан тизим бўйича NPLнинг камайиши натижасида, NPL улуши 3 фоиздан 5 фоизгача бўлган банклар (банк тизими жами активларида ушбу банклар активлари улуши 33 фоиз) сони 2 тага, 5 фоиздан юқорилар эса 4 тага камайган.


Кредит хатарларининг банклар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини юмшатиш мақсадларида банклар томонидан шакллантирилган жами захиралар қолдиғи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **23 фоизга** ошган.

Банкларда муаммоли кредитларни захиралар билан қопланиш даражаси ўтган йилнинг мос

даврига нисбатан 34 фоиз бандга ошиб, 2023 йил 1 июль ҳолатига ҳолатига **111,4 фоиз** даражасида шакланган.

Соф NPL¹нинг капиталга нисбати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **5,7 фоиз** бандга камайиб, **8,6 фоиз**ни ташкил этган (8-диаграмма).

8-диаграмма



Ликвидлилик


2023 йил 1 июль ҳолатига банкларнинг жами депозитлари қолдиғи **203 трлн сўм**ни ташкил этиб, уларнинг **37 фоизи** аҳоли ва **63 фоизи** юридик шахслар маблағлари ҳисобидан шакланган (9-диаграмма).

Бунда, ўтган йил мос даврига

нисбатан миллий валютадаги аҳоли депозитлари **65 фоизга** ҳамда хорижий валютадаги депозитлари **31 фоизга** ўсган.

Жами депозитлар қолдиғи таққосланаётган давр мобайнида **18 трлн сўм** ёки **10 фоизга** ўсган бўлсада, уларнинг жами мажбуриятлардаги улуши ушбу даврда **44 фоиздан 41 фоизгача** пасайган.

9-диаграмма




Юқори ликвидли активларнинг жами активлардаги улуши ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **6,6 фоиз**

¹Захиралар чегирилган ҳолда NPL қолдиғи

бандга камайиб, ҳисобот санасига **13,6 фоизга** ёки **78,2 трлн** сўмни ташкил этган (10-диаграмма).

10-диаграмма




Юқори ликвидли активлар йил бошига нисбатан камайиши банкларда асосан мижозларнинг жами депозит маблағари 13,8 трлн сўмга (7 фоизга) камайиши ҳисобига юз берган.

Банкларнинг қисқа муддатли ликвидлилик кўрсаткичи – ликвидлилик қоплаш меъёри коэффициенти (LCR) ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **60 фоиз** бандга камайиб, **149 фоизни** ташкил этган.

Бунда, банкларнинг 30 кундаги соф чиқимлари **13 фоизга** ўсган бўлса, юқори ликвидли активлар суммаси **19 фоизга** камайган (11-диаграмма).


11-диаграмма




Шунингдек, банкнинг узоқ муддатли ликвидлилик кўрсаткичи – соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффициенти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 6 фоиз бандга пасайган ва **110 фоизни** ташкил қилган (12-диаграмма).

Мазкур ҳолат банкларда барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси **17 фоизга** ва барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси эса **23 фоизга** ошганлиги билан изоҳланади.

12-диаграмма



13-диаграмма



Рентабеллик кўрсаткичлари

2023 йил II чорак якуни бўйича тижорат банкларида соф фойда **6,1 трлн сўм**ни ташкил этган.

Бунда, банклар томонидан 2023 йилнинг январь-июнь ойлари давомида **60,2 трлн сўм** миқдорда **даромадлар** олиниб, **54,1 трлн сўм**лик **харажатлар** амалга оширилган.

Натижада, капитал рентабеллиги (ROE) кўрсаткичи **14,7 фоиз**, активлар рентабеллиги (ROA) эса **2,7 фоиз** даражасида шаклланган (13-диаграмма).

Операцион самарадорлик (CIR) кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **3,6 фоиз** бандга ошиб, **29,9 фоиз**ни ташкил этган.

Бунда, тизимнинг **операцион харажатлари 9 трлн сўм**ни ҳамда **операцион даромадлари** (соф фоизли ва фоизсиз даромадлар) **29 трлн сўм**ни ташкил қилган (14-диаграмма).

14-диаграмма

